

ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ

**МАТЕРИАЛЛАР
ТЎПЛАМИ
XII**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ
МАТЕРИАЛЛАР ТўПЛАМИ**

XII

Бухоро
"Дурдона" нашриёти
2021

Namozova K.B. KOMMUNIKATIVLIK KO'NIKMALARNI TAKOMILLASHTIRISHNING CHET TILNI O'QITISHDAGI AHAMIYATI.....	127
A.M. Naimova, Xalikova U. JEYN OSTINNING "PRIDE AND PREJUDICE" ASARIDA OILAVTY MASALALARDAGI CHIGALLIKLAR.....	130
Ustmonova Z.H. INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA SO'Z BIRIKMALARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	132
Abduraхмонова С., Ниязова М.Х. ПЕРИФРАЗА ХАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	134
Z.X.Saidova. INGLIZ, RUS VA O'ZBEK TILLARIDA INSON RUHIY HOLATINI IFODALOVCHI FRAZELOGIK BIRLIKLARNING LISONTY XUSUSIYATLARI.....	142
Рузиева Н.З. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	144
Zaripova A.S. LINGUISTIC FEATURES OF TOPONYMS.....	148
Yuldashева F.E., G'ulomov S. XUSHMUOMALALIK MA'NOSINING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA IFODALANISHI.....	150
Kamolov I.N. BIOGRAFIK METOD VA YONDASHUV.....	152
Bozorova V. THE WAYS OF COMMUNICATING RESPONSIBILITY IN THE.....	155
O.S.Aliev. SIMULTANEOUS TRANSLATION AS AN OBJECT OF SCIENTIFIC STUDY.....	158
Мамедова М.А. ОМОНИМЫ В ЛЕКСИКОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА.....	160
Мамедова М.А. АНАЛИЗ СИСТЕМ ЗАДАНИЙ И УПРАЖНЕНИЙ УЧЕБНИКОВ ПО ОБУЧЕНИЮ ОМОНИМАМ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА	164
Мамедова М.А. КЛАССИФИКАЦИИ ФУНКЦИЙ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ.....	168
M.I.Gadoyeva, Obloberdiyev Sherali. INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA NOANIQLIK MA'NOSINING OT SO'Z TURKUMI ORQALI IFODALANISHI.....	171
Sayitova K.H. PROBLEMS IN TEACHING TECHNICAL TRANSLATION AND THEIR SOLUTIONS.....	174
Sayitova K.H., Abdulloyeva F. DEVELOPING WRITING SKILLS IN THE ENGLISH LANGUAGE.....	176
Tillayeva SH.M. PRESENTATION SKILLS AND ITS ROLE IN TEACHING ENGLISH.....	177
Qurbonova Sh.H. DIGITAL TECHNOLOGY IN TEACHING ENGLISH....	179
Muqaddas Allamberganova. TOTEMIC BELIEFS (OF ORKHON - YENISEI) IN ANCIENT MONUMENTS.....	181

7. Og'riqni sezish hissiyoti. Ushbu frazeologik birliklar inson ichki organlari tomoq, bosh og'rig'i bilan bog'liq birliklardir. Ingliz tilida: *get(have) butterflies in one's stomach; a lump in one's throat*; rus tilida: *крыбок подступил к горлу; тяжелая голова*; o'zbek tilida: *boshi og'ir bo'lmoq; qorni og'rimoq*.

Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, ko'rish, eshitish, hid bilish, sezgirlik, ta'm bilish, sezgirlik, ta'm bilish, ochlik, chanqoqlik, og'riqni sezish, charchash hissiyotini ifodalovchi frazeologik birliklar tilde alohida guruhni tashkil etadi va ular bevosita inson tana organlarini ifodalovchi frazeologik birliklar shklida shakllanadi. Inson ruhiy holatini ifodalovchi frazeologik birliklar turli tillar doirasida tasniflash shuni ko'rsatadi, qiyoslanayotgan ingliz,rus va o'zbek tillarida ular turlicha ma'no kasb etadi.

Har qanday shakllangan frazeologik birliklar til egasi bo'lgan o'sha xalqning tumush tarzi, yashashi, urf-odatlari, kasbi, intilishi, ma'naviyati,voqelikka munosabati bilan uzviy bog'liqdır. Shu sababli ular tilde obrazlilik va ekspressivlikni yuzaga keltiruvchi muhim vosita bo'lib xizmat qiladi.

FOYDLANILGAN DBIYOTLAR RO'YXATI:

- 1.Hojiyev A. Lingvistik terminlarning izohli lug'ati. – T.:“O'qituvchi”. 1985. – B.105.
- 2.Xolmurodova L. Ingliz va frnsuz tillaridgi obrazli va motivlashgan frazeologizmlarning tematik-ideografiktalqini. (Lingvomadaniyat aspect). Nomzodlik diss. ... avtoref. – T.: 2012. B. 6.
3. Haydarov A., Choriyeva Z. Ingliz tilida frazeologik birliklarning semantic-grammatik va ushubiy xususiyatlari. Maqolalar to'plami. – T.: “Muharrir” nashriyoti. 2012. – B.8-10.
4. Aziza Qobilova. Frazeologizmlarning shakl va ma'no munosabati. Monografiya. Buxoro “Durdona” nashriyoti. 2020. – B. 5.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рузиева Нафиса Зарифовна
БухДУ Инглиз тилшунослиги кафедраси о'қитувчиси

Хар бир тилнинг тараккиёт даражаси унинг услубияти кай даражада ишланганлиги билан боғлиқ бўлади. Чунки тилнинг мохияти услубданутда намоён бўлади. Тил тараккиёти, турли муаммоларнинг ечими услубшунослик, нотиклик санъати тили даражасига кўтарилиши, жумладан, профессионал нутқнинг барча тармоқларининг хоҳ у чорвадор бўлсин, хоҳ овчи ёки дехконларнинг нутқини талқик қилиш, улар нутқда эвфемизмларнинг кай даражада қўлланилганлиги билан характерланади.

Эвфемизм нима ? Ушбу лингвистик тушунча хақида катор карашлар ва фикрлар мавжуд. Эвфемизмларнинг лингвистик табиати жуда кўплаб

илмий тадқиқотларнинг объекти бўлиб келмоқда. К. Нисман, К. Бурридж, С. Видлак, Л. Крысин тадқиқотлари ушбу тушунчанинг лингвистик табиати ҳақидаги фикрлари билан қимматли бўлса, ушбу тушунчанинг функционал-услубий хусусиятлари И.Р.Гальперин, Н.С.Арапова, В.П. Москвин, Н.Ц. Восчаева каби олимларнинг тадқиқотларида баён қилинган. Ўзбек тилшунослигида эса бу масала биринчи марта Неъмат Исмагуллаевнинг илмий тадқиқотида ёритилган.¹ Анвар Ожигурдиевнинг докторлик диссертациясида профессионал нутқ эвфемикаси масалалари тадқиқ қилинган.² Шунингдек Б.Ўринбоев ҳам ўзининг катор ишларида сўзлашув нутқидаги эвфемизм ҳолисасига доир қимматли фикрларини баён қилган.³

XXI асрга келиб, эвфемизм тушунчасини ўрганиш объекти анча кенгайиб, кейинги йилларда қилинган илмий тадқиқотлар, унинг гендер хусусиятларини⁴, алоҳида соҳада, яъни, тиббиётда қўлланилиши- тиббий эвфемизмлар⁵ номи остида тадқиқ қилинди.

Тилларнинг генесологик ва морфологик кўринишларига боғлиқ равишда ҳар бир тилда эвфемик маъно фонетик, лексик, морфологик, синтактик, фразеологик ҳолда новербал воситалар билан ифодаланали, эвфемик маънонинг юзага келишида ситуатив – прагматик ва контекстий омиллар ушбу лисоний воситалар билан ҳисоб бир тушунчани ҳосил қилади. Шу билан бирга тил маданиятига алоҳида эътибор билан қаралмоқда ва тилшуносликда янги йўналиш ҳисобланган лингвокультурология илми раванқ топмоқда.

Юқорида зикр этилган илмий тадқиқотлар бир тил доирасида таҳлил ва тадқиқ этилган. Энди тилшунослар олдинга маъзур лингвистик тушунчанинг икки ва ундан ортиқ тиллар қисмида тадқиқ этиш вазифаси турибди. Шу нуқтаи назардан XXI асрда шаклланиб келаётган антропоцентриқ лингвистик йўналишларга кенг йўл очилмоқда, унинг асосий вазифаси этиб инсонни тилда, тилни эса инсонда таҳлил этишга йўналтирилганлигидир.

Ўмумтилшуносликда табу ва эвфемизмлар ҳақидаги фикрларни уч асосий гуруҳга айлантириш мумкин. Булар: 1) эвфемизмлар ибтидоий дунёқараш (табу) таъсирида пайдо бўлади, жамиятнинг маданий босқичида

¹ Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке. Автореф. дис. канд. фил. наук. –Т.: 1963. 19с.

² Ожигурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадор нутқи мисолида) фил. фан. док. дис. автореферати. – Т.:2009 – 50 б.

³ Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи ва эвфемизм. Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлар тўплами. -Т.:1979. –Б 3-37.

⁴ Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари. Фил.фан.бўйича фалсафа доктори дисс. афтореферати. – Бухоро, 2020. -55б.

⁵ Гайбуллаева И. Ўзбек тилида тиббий эвфемизмлар (тиббий даврий нашр маълумотлари асосида). ф.ф.ф.д (PhD) дис.афтореферати. – Бухоро 2019, - 56 б.

йўқола борали.¹ 2) эвфемизмлар тил факти, пассив лексик қатлам сифатида мавжуд.² 3) эвфемизмлар нутқий восита, услуб учун хизмат қилади.

Эвфемизмлар эволюциясини ўрганишда шу нарса маълум бўладики, кўпгина атамалар давр ўтиши билан эскириб, ўша тушунчаларнинг беозор, ёқимли ифодаси бўлолмай қолади. Натижанда, биринчи эвфемик восита ўрнида янги, янада эпитетлиши қулай бўлган эвфема пайдо бўлади. Бунда дастлабки эвфемик воситалар қайта табулаштириллаверади, янги эвфемалар шаклланади. Мана шу эктиёж туфайли битта тушунчадан кўплаб эвфемаларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлади. Масалан: “чаён” ўрнида қўлланган *гамждум, камждум* эвфемалари нутқ талабига жавоб бермагач, табулаштирилиб, унинг ўрнига *эмак, мөми йўқ, беном* эвфемалари қўлланилган. “Тугмоқ” сўзи фақат одамга, кейинчалик эса ҳайвонга нисбатан истиhora усулида қўлланилган. Тилнинг таракқиёти натижасида тугмоқ тушунчаси одамга нисбатан кўзи *ёримоқ, қутулиб олмоқ*, ҳайвонга нисбатан эса *балаламоқ, кўзиламоқ, бузоқламоқ* каби эвфемик воситалар билан алмаштирилиб қўлланилган.

Инглиз тилидаги “bitch” (фохшица) сўзи *lady of easy virtue, a light woman, an easy woman, a real battleaxe, a house of ill fame* каби эвфемалар билан алмаштирилганда унинг ўша кўполлигини, хунук сўз эканлигини ўзида намоён этиб туради.

Эвфемизмлар баъзан метафорик усул билан шаклланган эвфемик воситаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан: 1) Шахсан менинг ўзим мамлакатдаги энг “*қайноқ нуқталарга*” бориб келишимга тўғри келади. (Илҳомин “Қабоҳат ёхуд.... ўзбеклар иши” Б. 312).

Бу бахтиёрлик, бу турмуш *мўз устига солинган уй* (А. Қасқор Танланган асарлар 2 т. – Б. 29).

Юқоридаги мисолларда келтирилган *қайноқ нуқта – жанггоҳ, уруш бўлаётган жой* ёки *мўз устига солинган уй* – бевафоллик, бахтсизлик тушунчаларининг метафорик усул билан шаклланган эвфемик воситалари ҳисобланади.

Эвфемизмлар семантик - грамматик шаклланганлигига кўра лисоний ва нутқий эвфемаларга ажратилади. Ушбу турлар узвийлик ва умумийликка эга бўлиши билан бирга, фарқли хусусиятларга ҳам эга.

А) Лисоний эвфемалар маъноси бирикма таркибидаги сўзларнинг реал маъносидаги англашилмайдиغان ахлит ҳолда бир умумий тушунча – образли маъно ифодалаш воситасидир. Ушбу ахлати билан эвфемалар, фразема, мақол ва матал каби ҳодисаларга ёндошлар.

Инглиз тилида “ногирон” маъносини берувчи эвфемани қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

¹ Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. - Л.: 1977, - 19 с.

² Ергазиева Н.И. Взаимосвязь прозвищ, табу и эвфемизмов в казахском языке. // Ономастика Узбекистана ИЯЯ. – М.: Узэср 1989, - 120 с.

- Woman you have gone too far!!! You are out of your senses! (D. Carter "Fatherless sons". p 201.)

Б) Лисоний эвфема луғавий бирлик, уни луғатлаштириш мумкин. Нуткий эвфема эса бу талабга жавоб бермайди.

Масалан: "ўлмоқ" тушунчасини ифодаловчи *бандаликни бажо келтирмоқ, ҳалок бўлмоқ, қурбон бўлмоқ, орамиздан кетмоқ;*

Инглиз тилида: *passed away, passed on, bit the big one, kicked the bucket, popped their clogs* каби эвфемаларни луғатлаштириш мумкин, демак булар луғавий эвфемалар ҳисобланади.

Шунингдек, инглиз тилидаги *heck (hell) sight deprived (blind), barmy (idiot), needy (prior)* каби эвфемаларни луғат составидан жой олиши мумкин, уларни лисоний эвфемалар деб аташ мумкин.

Нуткий эвфемани асосан контекст, нуткий вазият бошқаради. Нуткий эвфема термини остида вақтинчалик нуткий жараёнда зарурият, муваққат табулаштириш ётади. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, лисоний эвфемага нисбатан аслий ёки мутлак, нуткий эвфемага нисбатан эса нисбий ёки муваққат эвфема терминларини қўллаш мумкин. Нисбий эвфемалар гапдан ташқарида ўзининг реал маъносига ҳам қўлланилади.

Масалан: Шундай дадам *ўтиб кетдилар*, нега энди қабрлари совимасдан бизларни ёмонлашга тушдингиз. ("Тошкент оқшоми"). *Ўтиб кетдилар* – ўлиб кетдилар маъносини берувчи эвфемик восита ҳисобланади.

Шундай қилиб, тилда мавжуд эвфемизм ҳодисаси калкнинг урф – одати, маданий савияси, эстетик диди, этник меъёрининг тараққиёти билан боғлиқ ҳодисалар. Эвфемизмларнинг маълум бир жиқати табу билан боғлиқ бўлса, асосий қисми ахлоқий – маданий жиқатдан айтиши ноқулай деб топишган сўзларни юмшоқ ширинсуканлик билан айтилишидир. Шу билан бирга эвфемизмлар иктимоний, тарихий, этнографик ҳодиса ҳисобланади, тил ва тафаккур каби калкний ва ривожланувчи, ўзида янгилашни ва эскиришни ақс эттирувчи жараёнлар.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке. Автореф. дис. канд. фил. наук. –Т.: 1963. 19с.
2. Омонтурдиев А. Профессионал нутк эвфемияси (торвадор нутки мисолида) фил. фан. док. дис. автореферати. – Т.: 2009 – 50 б.
3. Уринбоев Б. Сўзлашув нутки ва эвфемизм. Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлар тўплами. –Т.:1979. –Б.: 3-37.
4. Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари. Фил. фан. бўйича фалсафа доктори дисс. афтореферати. – Бухоро, 2020. -55б.
5. Ғайбуллаева И. Ўзбек тилида тиббий эвфемизмлар (тиббий даврий нашр маълумотлари асосида). ф.ф.ф.д (PhD) дис. автореферати. – Бухоро 2019, - 56 б.

6. Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Л. : 1977, - 19 с.
7. Ергазиева Н.И. Взаимосвязь прозвищ, табу и эвфемизмов в казахском языке // Ономастика Узбекистана ИЯЯ. – М. : Узэср 1989, - 120 с.

LINGUISTIC FEATURES OF TOPONYMS.

Zaripova A.S. (I bosqich magistranti)

The word "toponymy" is derived from the Greek words *topos* "place" and *onoma* "name". Toponymy is itself a branch of onomastics, the study of names of all kinds. ⁽¹⁾

Toponym is the general name for any place or geographical entity. Related, more specific types of toponym include *hydronym* for a body of water and *oronym* for a mountain or hill. A *toponymist* is one who studies toponymy.

According to the Oxford English Dictionary, the word "toponymy" first appeared in English in 1876; since then, toponym has come to replace "place-name" in professional discourse among geographers. It can be argued that the first toponymists were the storytellers and poets who explained the origin of specific place names as part of their tales; sometimes place-names served as the basis for the etiological legends. The process of folk etymology usually took over, whereby a false meaning was extracted from a name based on its structure or sounds. Thus, the toponym of Hellespont was explained by Greek poets as being named after Helle, daughter of Athamas, who drowned there as she crossed it with her brother Phrixus on a flying golden ram. The name, however, is probably derived from an older language, such as Pelasgian, which was unknown to those who explained its origin. George R. Steward theorized, in his book *Names on the Globe*, that Hellespont originally meant something like "narrow Pontus" or "entrance to Pontus", "Pontus" being an ancient name for the region around the Black Sea, and by extension, for the sea itself. ⁽²⁾

Place names provide the most useful geographical reference system in the world. Consistency and accuracy are essential in referring to a place to prevent confusion in everyday business and recreation. A toponymist, through well-established local principles and procedures developed in cooperation and consultation with the United Nations Group of Experts on Geographical names.

Toponymy, taxonomic study of place-names, based on etymological, historical and geographical information. A place-name is a word or words used to indicate, denote or identify a geographic locality such as town, river or mountain. Toponymy divides place-names into two broad categories: habitation names and feature names. A habitation name denotes a locality that is peopled or inhabited, such as a homestead, village, or town, and usually dates from the locality's inception. Feature names refer to natural or physical features of the landscape and are subdivided into hydronyms (water features), oronyms (relief